

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

МАМБЕТОВА ГУЛНАЗ ЖАҚСИМУРАТОВНА

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИНГ ШИМОЛИЙ ТУМАНЛАРИ
ГИДРОНИМЛАРИ**

10.00.03 – Қорақалпоқ тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2018

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Мамбетова Гулназ Жаксимуратовна Қорақалпоғистоннинг шимолий туманлари гидронимлари	3
Мамбетова Гулназ Жаксымуратовна Гидронимы северных районов Каракалпакстана	23
Mambetova Gulnaz Jaksimuratovna Hydronyms in the northern districts of Karakalpakstan	45
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	49

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

МАМБЕТОВА ГУЛНАЗ ЖАҚСИМУРАТОВНА

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОННИНГ ШИМОЛИЙ ТУМАНЛАРИ
ГИДРОНИМЛАРИ**

10.00.03 – Қорақалпоқ тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/Fil269 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.karsu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдиназимов Шамшетдин Нажимович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қарлибаева Гулмира Ермекбаевна
филология фанлари доктори (DSc)

Бекбергенов Қидирбай Айжарикович
филология фанлари номзоди

Етакчи муассаса:


Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги DSc 27.06.2017.Fil.20.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «3» декабрь куни соат 15 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-59-25, факс: (99861) 223-59-25, email: karsu_info@edu.uz)


Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин («9» рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-59-25, факс: (99861) 223-59-25, email: karsu_info@edu.uz

Диссертация автореферати 2018 йил «19» ноябрь куни тарқатилди.
(2018 йил «19» ноябрь даги 5 рақамли реестр баённомаси).




К.Алламбергенов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси в.б. филол. ф.д., профессор

Т.А.Керуенов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, филол. ф.д. (DSc)


Қ.Жаримбетов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
филол. ф.д., профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида тилни тизимли ўрганиш асосида унинг структурасидаги лисоний бирликларни мавзувий гуруҳларга ажратиш, семантик майдон, лексема ва семаларни ўрганиш, морфемик таркибини таҳлил қилиш, когнитив тилшуносликда концепт, концептосфера формаларини аниқлаш, лингво-культурологияда эса тил, миллат ва маданият триадаси йўналишида тадқиқ қилиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Бу тил ва тафаккурнинг ўзаро муносабатига доир янгича қарашларнинг такомиллаштирилиши, жумладан, бадиий матнларни когнитив поэтика нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, лингвистик корпусларни яратиш, компьютер лингвистикаси, дискурсология ва социолингвистиканинг ривожланишига асос бўлади.

Дунё тилшунослигида гидронимларни халқнинг миллий онги, маданияти ва тарихи билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этиш ономастик тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан бирига айланиб бормоқда. Айниқса, ҳар бир тилнинг ўзига хос гидронимик микросистемалари мавжуд бўлиб, уларнинг каталогларини яратиш, гидронимларни семантик, морфологик ва фонологик аспектларда таҳлил қилиш тамойили кучайди. Гидронимик формант ва асосларнинг ономастик тизимда тутган ўрнини кўрсатишга систем тилшунослик методларининг татбиқ этилиши эса туркий тиллар, жумладан, қорақалпоқ тили гидронимик тизимининг ўзига хос лингвистик табиатини белгилашда муҳим назарий аҳамият касб этади. Қорақалпоғистон гидронимларининг номланишида ҳам ўзига хос миллий маъно ва мазмун мавжуд бўлиб, унда халқнинг турмуш тарзи, миллий анъаналари ва этномаданияти, касб-кори, меҳнат характери ва ҳудуднинг жўғрофий тузилиши билан боғлиқ тушунчалар ўз ифодасини топган. Қорақалпоғистон гидронимларининг миллий лингвомаданий мероснинг таркибий қисми сифатида комплекс таҳлил қилиниши эса халқ миллий тафаккурининг тараққиёт қонуниятлари ва топонимик атамаларнинг шаклланишига доир ўзига хос лисоний моделларни аниқлаш имконини беради.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ Қорақалпоғистон ҳудудидаги собиқ шўролар даври мафкураси таъсирида шаклланган сув объекти номларига ўзгартириш киритилиб, географик объектларнинг азалий тарихий атамалари қайта тикланди. Бу эса қорақалпоқ тилининг миллий сўз бойлигини ташкил этувчи тарихий топонимларнинг унутилиб кетилиши хавфининг олдини олди. Бугунги кунда «илмий ва ижодий изланишларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун зарур шарт-шароитлар яратишга»¹ алоҳида эътибор қаратилаётганлиги қорақалпоқ тилшунослигида тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш, хусусан, гидронимлар юзасидан чуқур изланишлар олиб бориш зарурлигини кўрсатади. Чунки сув объектлари номлари бўлган гидронимлар халқнинг турмуш тарзи, тараққиёти, тирикчилиги, сув ёқаси бўйлаб ҳаёт кечириши, шунингдек, тилнинг

¹ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига кириши тантанали маросимга бағишланган Олий Мажлис Палаталарнинг кўшма мажлисидаги нутқи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б. 26.

ривожланиш босқичлари билан боғлиқдир. Шунинг учун гидронимларни тўплаш ва каталоглаштириш, уларнинг номланиши, тилда яшаш шакли, уларнинг маълум ҳудудларда тарқалиш ҳолатлари сабабларини ўрганиш, шаклланиш эволюцияси билан боғлиқ масалаларга ойдинлик киритиш – ареал лингвистик тадқиқотларда муносиб ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ – 4794-сонли Фармони, 2017 йил 12 январдаги «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги Ф-4789-сон Фармойиши, 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сонли «Олий ўқув юртларидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сонли «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг 1. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» асосий йўналиши доирасида бажарилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида Ж.Бонфатте, М.Бартоли, Г.Бертони, С.Шмид, Д.Бергер, Ҳ.Краузе, И.Муллонен, В.Топоров ва бошқа тилшуносларнинг асарларида француз, немис, итальян ва славян тилларининг лингвистик атласлари тузилиб, бу тилларда гидронимлар кенг тарзда таҳлил қилинган².

Қорақалпоғистон топонимлари, шу жумладан, гидронимик атамалар бўйича хорижий саёҳатчилар, тарихчилар, этнографларнинг ишларида ўтган асрлардаёқ Ҳ.Вамбери, В.Бартольд, Ризақули Мирза, С.Толстов, Т.Жданко, Э.Мурзаев, Н.Баскаков ва бошқа олимларнинг илмий ишларида³ сўз юритилди.

² Бонфанте Дж. Позиция неолингвистики (пер. на русский язык). – М.: Наука, 1960; Bartoli M., Bertoni G. Breviario di neolingvistika. – Modena, 1965; Smith C.C. The survival of British Toponymy. – L., 1980; Berger D. Geographische Namen in Deutschland. Herkunft und bedeutung der namen von Landen, Bergen und Gewassern, Mannheim. – Leipzig-Ween, 1993. – 296 p.; Krahe H. Unsere ältesten Flussnamen. – Wesbaden, 1994. – 123 p.; Муллонен И.И. Очерки вепской топонимии. – СПб.: Наука, 1994; Топоров В.В. Исследования по этимологии и семантике. – М.: Языки славянской культуры, 2014. – 814 с.

³ Вамбери. Путешествие по средней Азии. – М., 1974. – 379 с.; Бартольд В.В. Сочинения. В 9-ти томах. – М.: Наука, 1965. – Т. III. – 713 с.; Ризақули Мирза. Краткий очерк Аму-Дарьинской области. – СПб., 1875. – 124 с.

Қорақалпоқ тилшунослигида Д.Насыров, О.Доспанов, Т.Бегжанов, О.Бекбауловнинг диалектларга оид⁴, Қ.Абдимуратов, М.Қурбанов, Ш.Абдиназимовнинг топонимика ва тил тарихига оид тадқиқотларида ўрганилган⁵. Ўзбек тилшунослигида эса Қорақалпоғистоннинг жанубий туманлари топонимлари Д.Юлдашев томонидан тадқиқ қилинган⁶. Қорақалпоғистон гидронимлари тил тарихи, диалектологик, тарихий-этнографик тадқиқотларда ўрганилган бўлса ҳам бугунги кунга қадар махсус тадқиқот объекти бўлган эмас.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Нукус давлат педагогика институти Қорақалпоқ тили кафедрасининг «Қорақалпоқ тили ва уни ўқитиш методикаси» мавзусидаги илмий-тадқиқот режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қорақалпоғистоннинг шимолий туманлари гидронимларини лингвистик йўналишда тадқиқ қилиш ва системалаштириш, гидронимик моделлар семантикаси ва типологиясини аниқлаш, сув ҳавзалари номларининг этимологик асосларини ёритиш ва миллий гидронимлар тизимининг аталиш мотивларига хос этномаданий хусусиятларни очиб беришдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қорақалпоқ тилшунослигида гидронимларнинг тадқиқ қилиниш тарихини ёритиш ва гидронимларни тарихий-лингвистик жиҳатдан ўрганишнинг устувор тамойилларини белгилаш;

сув объектлари номини билдирувчи гидронимлар қорақалпоқ топонимларининг таркибий қисми эканлигини лингвистик жиҳатдан асослаш;

Қорақалпоғистон гидронимларининг миллий лисоний хусусиятларини очиб бериш ва уларнинг туркий тиллар ономастик тизимида тутган ўрнини таснифлаш;

қорақалпоқ тилининг ўзига хос гидронимик апеллятивлари ва ономастик моделлари системаси мавжудлигини илмий-назарий жиҳатдан асослаш;

гидронимларни тасниф қилиш, уларнинг лексик-семантик хусусиятларини ўрганиш ва грамматик тизимини тадқиқ қилиш.

Толстов С.П. К вопросу о происхождении каракалпакского народа // Краткие сообщения института этнографии АН СССР. – М.-Л., 1947. - вып. 2. – С.74-232.; Жданко Т.А. Очерки исторической этнографии каракалпаков. – М.-Л., 1950.; Мурзаев Э.М. Очерки топонимии. – М.: Мысль, 1974; Баскаков Н.А. Каракалпакский язык (материалы по диалектологии). – М.-Л., 1951. - Т. I.; Шу муаллиф. Каракалпакский язык (фонетика и морфология). – М., 1952. - Т. II.

⁴ Насыров Д, Доспанов О. Қарақалпақ тилинің диалектологиялық сөзлиги. – Нөкіс: Қарақалпақстан, 1983. – 402 б.; Доспанов О. Қарақалпақ аймақлық лексикографиясы. – Нөкіс: Қарақалпақстан, 2009. – 88 б.; Бегжанов Т. Қарақалпақ тили диалектологиясының мәселелеринен. – Нөкіс: Қарақалпақстан, 1971. – 212 б.; Бекбаўлов О. «Арал» гидроними хәм «Араллылар» этноними ҳаққында // Қарақалпақ тили бойынша изертлеўлер. – Нөкіс: Қарақалпақстан, 1971. – Б.169-178; Абдиназимов Ш. Бердақ шығармаларының тили. – Тошкент: Фан, 2006.

⁵ Абдимуратов К. Топонимика Каракалпакии: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Нукус, 1966. – 24 с.; Қурбанов М.Д. Қорақалпоқ тилидаги географик терминларининг лексик-грамматик хусусиятлари: Филол. фанлари номз. ... дис. автореф. – Нукус, 2011. – 23 б.

⁶ Юлдашев Д. Жанубий Қорақалпоғистон топонимларининг тарихий-этимологик тадқиқи: Филол. фанлари номз. ... дис. автореф. – Нөкіс, 2012. – 21 б.

худуднинг табиий-географик хусусиятлари асосида гидронимларнинг номланиш тамойиллари ва ясашиш усулларини аниқлаш;

гидронимларнинг номланиш тамойиллари тарихий воқелик ва жамият тараққиёти билан бевосита боғлиқлигини далиллаш;

Тадқиқотнинг объекти. Қорақалпоқ гидронимларининг тузилиши, уларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши, гидронимларда халқ миллий тафаккури, ўй-хаёли, маданий даражасининг акс этиши, уларнинг лексик-семантик, структурал хусусиятлари тадқиқот ишининг объекти ҳисобланади.

Тадқиқот предмети. Қорақалпоғистоннинг шимолий туманлари худудидаги сув объектлари номлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Диахрон ва синхрон тадқиқ, қиёсий-тарихий, компонент таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қорақалпоқ тилидаги гидронимик апеллятивларнинг турли фонетик ва семантик вариантлари бошқа қардош тилларда фаол қўлланилишини кўрсатиш асосида туркий тилларнинг ономастик тизими тарихий-генетик жиҳатдан муштарак негизга бориб тақалиши далилланган;

Қорақалпоғистоннинг шимолий туманларидан бошқа худудларда, шу жумладан, қардош туркий тилларда ҳам учрамайдиган маҳаллий гидронимик терминлар мавжудлигини аниқлаш орқали гидронимларнинг локал хусусият касб этиши исботланган;

шимолий туманлардаги сув объекти номларининг архаик қатлами Оролбўйи худудида яшаган қадимги уруғ-қабилалар тилининг луғавий бирликлари негизда шаклланганлиги асосланган;

гидронимларни лексик-семантик гуруҳларга бўлиб таснифлаш орқали қорақалпоқ халқининг сув объектларини номлашдаги ўзига хос этнолингвистик мезонлари ва сўз танлаш маҳорати кўрсатиб берилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қорақалпоқ топонимлари, жумладан, гидронимларини тўплаш, системалаштириш ва илмий тадқиқ этиш борасидаги манбалар яхлит тизим сифатида таҳлилга тортилиши натижасида ономастик тизимни ўрганишнинг янгича тамойиллари белгилаб берилган;

Қорақалпоғистоннинг шимолий туманларидаги сув объектларига ном қўйишда худудда яшаётган халқнинг миллий анъаналари, турмуш тарзи, этномаданий қадриятлари ва тил хусусиятлари ҳисобга олинганлиги асосланган;

шимолий Қорақалпоғистон гидронимлари тўплаб, каталоглаштирилган ва уларни адабий тилда хатосиз тўғри ёзиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

тадқиқот материаллари ва илмий-назарий умумлашмалари асосида гидронимик материаллардан умумий ўрта таълим беришда, она тилини ўргатишда, ўрта махсус ва олий таълимда кенг қўламда фойдаланишга доир амалий тавсиялар яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот манбаи сифатида таҳлилга тортилган сув объектлари номлари Қорақалпоғистоннинг шимолий туманларининг Мўйноқ, Қўнғирот, Қонликўл, Кегайли, Чимбой, Қораўзак,

Тахтақўпир, Нукус тумани ва Нукус шаҳри бўйича тузилган гидромелиоратив хариталар асосида тўпланганлиги, харитада берилмаган сув объектлари номлари эса бевосита маҳаллий аҳолининг айтиб бериши асосида йиғилганлиги, тадқиқотда қўлланилган илмий усуллар ва назарий материалларнинг илмий ишончли манбалардан олинганлиги, таҳлиллар натижасида чиқарилган хулосалар, айниқса, тадқиқот бўйича тавсияларнинг амалиётга татбиқ этилиши, олинган хулосаларнинг тегишли илмий ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Қорақалпоғистоннинг шимолий туманларидан тўпланган гидронимлар асосида ёзилган мазкур тадқиқот натижалари Оролбўйи минтақасида яшовчи туркий халқлар ономастикаси, шу жумладан, қорақалпоқ топонимикасининг таснифи, лексик-семантик хусусиятлари, этимологияси ва грамматик тузилишини тилнинг ички қонуниятлари билан бевосита боғлиқликда тадқиқ этиш учун илмий-назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти «Қорақалпоқ адабий тилининг лексикологияси», «Қорақалпоқ тили диалектологияси», «Ономастика» бўйича дарсликлар ҳамда ўқув-методик қўлланмалар яратиш, Қорақалпоғистон топонимларининг луғатларини тузиш, хусусан, гидронимлар имлоси ва этимологик изоҳи бўйича луғатлар яратиш, гидронимларни йиғиш бўйича анкета-саволномалар ишлаб чиқишда, шунингдек, олий ўқув юртларининг филология факультетларида топонимика бўйича махсус курслар, ўқув ва семинар машғулотларини ташкил этишда кенг фойдаланилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоғистоннинг шимолий туманлари гидронимларини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Қорақалпоғистоннинг шимолий туманлари гидронимларининг лексик-семантик таркиби, ясаиш хусусиятлари ва этимологик таҳлилига оид илмий-назарий умумлашмаларидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар илмий-тадқиқот институтида 2012-2016 йилларда бажарилган ФА-Ф1-Г003 «Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясаиши» мавзусидаги лойиҳани амалга оширишда, хусусан, топонимик атамаларнинг морфологик хусусиятлари, содда, қўшма ва таркибли ономастик бирликларнинг шаклланиш жараёнини тадқиқ этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2018 йил 15 октябрдаги 202/1-сон маълумотномаси). Мазкур илмий-тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши натижасида Қорақалпоғистон Республикаси шимолий туманлари гидронимларининг адабий тилга хос орфографик ва грамматик мезонлар асосида ёзилиши таъминланган;

шимолий Қорақалпоғистон гидронимларининг этимологик асослари, маъно хусусиятлари ва сув объектлари номларида халқнинг турмуш тарзи, урф-одатлари ва этномаданияти акс этилишига доир материаллар Қорақалпоғистон телерадиокомпаниясининг «Әдебиат бостаны», «Гәўҳар сөзлер» кўрсатувлари

ҳамда «Әдебиат ҳәм дәўир», «Жаслар ушын», «Мийрас» радиоәшиттиришлари орқали кенг оммага тарғиб этилган (Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг 2018 йил 25 майдаги №01-02/229-сон маълумотномаси). Сув ҳавзалари номларининг шаклланиши билан боғлиқ лингвомаданий маълумотлар ва ономастик материалларнинг кенг оммалаштирилиши натижасида кўрсатув ва әшиттиришларнинг маърифий аҳамиятини оширишга эришилган;

гидронимик тизимнинг табиий-географик моҳияти ва ижтимоий-иқтисодий асосларига оид хулосалардан Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан табиий-географик объектлар, хусусан, собиқ шўролар давридаги мафкура билан боғлиқ гидронимларни тарихий топонимлар билан алмаштириш, янги бунёд этилган сув объектларига ном бериш, мавжуд гидронимлар тизимини тартибга солиш ва уларнинг ёзилишида имловий хатоларни бартараф этиш йўналишидаги фаолиятига оид ҳужжатларда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 28 июндаги 02/02-3-52-сон маълумотномаси). Натижада Қорақалпоғистоннинг шимолий туманлари гидронимларини маъновий ва имловий жиҳатдан тартибга солишга эришилган.

гидронимларнинг номинацион-мотивацион, табиий-географик, ижтимоий-иқтисодий асосларига оид хулоса ва амалий тавсиялар Республика топонимик комиссияси томонидан Қорақалпоғистон Республикасидаги табиий-географик объектлар, хусусан, сув объектлари номини ўзгартириш, янгиларига ном бериш, мавжуд гидронимларни тартибга солиш, тарихий номларни тиклаш ва топонимларнинг ёзилишидаги имловий хатоларни бартараф этишда тадбиқ этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри ҳокимлигининг 2018 йил 5 сентябрдаги 01.03/466-сон маълумотномаси). Натижада жой номларига оид иш қоғозларини юритиш амалиётига адабий тил нормалари жорий қилинган, топонимик сиёсатни юритишда анъанавий қадриятларни тиклаш мезони таъминланган ва гидронимларни имло қоидалари асосида тўғри ёзишга эришилган;

гидронимларнинг тарихий асослари ва этимологиясига оид таҳлилий хулосалардан Қорақалпоқ давлат университети қошидаги Бердақ Миллий музейида шоир ижодиётида ўз ифодасини топган шимолий Қорақалпоғистон гидронимларининг бадиий талқини бўйича илмий маълумотлар беришда самарали фойдаланилди (Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги 2018 йил 26 сентябрдаги №4/04/1749-сонли маълумотномаси). Натижада шоир Бердақ шеърияти ихлосмандларига гидронимик атамаларнинг бадиий матндаги семантик вазифалари ва уларнинг шаклланишида халқ тилининг тутган ўрни ҳақида кенг кўламли маълумот беришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 35 илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий

натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та, жумладан, 7 та республика ҳамда 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 140 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий ва назарий жиҳатдан муҳимлиги очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи боб «**Қорақалпоғистон топонимларининг тадқиқ этилиши тарихидан**» деб номланади. Мазкур боб икки бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлими «**Қорақалпоғистон гидронимларининг ўрганилиши**» деб аталади. Бу бўлимда Қорақалпоғистон топонимлари, шу жумладан, гидронимларнинг хорижий, шунингдек, маҳаллий олимларнинг илмий ишларида ўрганилишига шарҳ берилган. Қорақалпоғистон гидронимларига боғлиқ бир қатор маълумотлар Ҳ.Вамбери, В.В.Бартольд, Ризакули Мирза, С.П.Толстов, Т.А.Жданко, Э.М.Мурзаев, Herberd Wood ва бошқаларнинг XVIII-XIX асрларда Туркистонда бўлган экспедициялари бўйича ёзиб қолдирган илмий ишларида⁷ қайд этилган.

Туркий тилларда, шунингдек ўзбек тилшунослигида гидронимика соҳаси бўйича анча ишлар амалга оширилган. С.Қораевнинг бир қатор илмий ишларида⁸ Қорақалпоғистон гидронимларидан Амударёнинг эски атамалари, туркий атамаси Окуз «дарё», «Авесто»да Амударё – «Аранг», «Раха», «Ранха», «Аранха», яъни бундан бошқа атамаларни илмий манбалар орқали кўрсатади. Гидронимларни ҳосил қиладиган апеллятивларнинг 128 тасига изоҳ беради. А.Низомов, Г.Рахимова, Н.Расуловлар топонимларни туманлар кесимида ўрганиб, Қорақалпоғистонни «Қуйи Амударё топонимик райони»⁹ деб атайди. Шунингдек, Қорақалпоғистон топонимлари бўйича тадқиқотлар ўзбек тилшунос олимларининг илмий ишларида ҳам учрайди. Масалан, Д.Юлдашевнинг¹⁰ Жанубий Қорақалпоғистон топонимлари бўйича махсус тадқиқотида Беруний, Тўрткўл, Эллиққалъа, Амударё туманлари худудидаги ер ва сув номлари тарихий-этимологик жиҳатдан ўрганилган.

Қорақалпоғистон гидронимларини ўрганишда диалектолог олимларнинг

⁷ Вамбери. Путешествие по Средней Азии. – М., 1974. – С. 379; Бартольд. Сочинения. – М., 1965. – Т. III; Ризакули Мирза. Краткий очерк Аму-Дарьинской области. – СПб. 1875; Толстов С.П. К вопросу о происхождении каракалпакского народа // Краткие сообщения института этнографии АН СССР. – М-Л., 1947. – вып. 2. – С. 74-232; Жданко Т.А. Очерки исторической этнографии каракалпаков. – М-Л., 1950; Мурзаев Э.М. Очерки топонимии. – М.: Мысль, 1974; Herberd Wood. The shores of do Aral. – Geographical Magazine Lannary, 1876.

⁸ Qoraev S. Toponimika. – Toshkent: O'zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyoti, 2006.

⁹ Низомов А., Рахимова Г., Расулова Н. Топонимика (ўқув кўлланма) – Тошкент: Шарқ, 2013. – Б. 61-62.

¹⁰ Юлдашев Д. Жанубий Қорақалпоғистон топонимларининг тарихий-этимологик тадқиқи: Филол. фан. ном. ... дис. – Нукус, 2012.

хизмати катта. Олимлардан Н.А.Баскаков, Д.С.Насиров, О.Доспанов, Т.Бегжановлар қорақалпоқ тилидаги бир қанча гидронимларнинг номланиши, этимологияси бўйича фикрларини билдирган¹¹. 1960-йиллардан бошлаб Қорақалпоғистон топонимларини лингвистик йўналишда тадқиқ қилиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Қ.Абдимуратов¹² Қорақалпоғистоннинг шимолий туманлари Нукус, Чимбой, Қўнғирот, Хўжайли, Мўйноқ туманларининг топонимик атамаларини тадқиқ этиб, шу жумладан, гидронимларни семантикасига кўра гуруҳларга ажратиб ўрганган. Ш.Абдиназимовнинг ишларида туркий ёзма ёдгорликлар, Бердақ асарлари, шунингдек, қорақалпоқ дostonларидаги гидронимлар ва бошқа жиҳатлари ҳам ўрганилган¹³. М.Қурбанов ўз тадқиқотида географик терминлар таркибида сув объектининг вазифасига қараб оқадиган ва оқмайдиган, ясама ва сув объектларига боғлиқ гидронимик терминлар деган гуруҳларга бўлиб, уларнинг семантикасига, этимологиясига эътибор қаратади¹⁴. Бунда гидронимлар бир бобнинг кичик қисми сифатида таҳлил қилинган. Қ.Сейтниязов Қорақалпоғистоннинг шимолий туманларининг 500дан ортиқ топонимларини географик жиҳатдан таҳлил қилади¹⁵. Уларнинг бир қанчаси гидронимлар саналади.

Биринчи бобнинг иккинчи бўлими «**Қорақалпоғистон гидронимиясида қўлланиладиган гидронимик апеллятивлар**» деб номланади. Илмий-тадқиқотларда географик терминларнинг турлича номланиши кузатилади. Масалан, рус тилшунослигида А.Б.Суперанская «географик сўз» деб атаса¹⁶, Б.А.Серебренников топонимларга бирикиб келган бирликларни «индикаторлар»¹⁷, В.А.Никонов «географик атамалар» деб атайди¹⁸. Тожик тилшунослигида С.Шералиева гидронимлар билан қўлланиладиган сўзларни «гидронимлар ясовчи формантлар» деса¹⁹, қозоқ тилшунослигида Г.К.Конкошбаев «халқ географик терминлари»²⁰, бошқирд тилининг топонимларини тадқиқ қилган А.А.Камалов «географик терминлар»²¹ деб атайди. Ўзбекистон топонимларининг тарихий-этимологик томонини ўрганган З.Дўсимов, С.Қораев, Т.Эназаровлар топонимларни англатадиган сўзларни

¹¹ Баскаков Н.А. Каракалпакский язык / Материалы по диалектологии. – М.-Л., 1951. – Т. I.; Насыров Д.С. Становление каракалпакского общенародного разговорного языка и его диалектная система. – Нукус-Казань, 1976; Dospanov O. Qaraqalpaq aymaqlıq leksikografıyası. – No'kis: Qaraqalpaqstan, 2009; Бегжанов Т. Қарақалпақ тили диалектологиясының мәселелеринен. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1971.

¹² Абдимуратов К. Топонимика Каракалпакии: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Нукус, 1966.

¹³ Абдиназимов Ш. Бердақ шығармаларының тили. – Тошкент: Фан, 2006; Шу муаллиф. Qaraqalpaq tili tariyxı. – No'kis: Bilim, 2018; Шу муаллиф. Lingvofolkloristika. – No'kis: Bilim, 2018.

¹⁴ Курбанов М.Д. Қорақалпоқ тилидаги географик терминларининг лексик-грамматик хусусиятлари: Филол. фан. ном. ... дис. – Нукус, 2011. – Б. 23.

¹⁵ Сейтниязов К. Топонимы северных районов правобережья Каракалпакии: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1998.

¹⁶ Суперанская А.В. Что такое топонимика? – М.: Наука, – С. 98 – 100.

¹⁷ Серебренников Б.А. О методах изучения топонимических названий // Вопросы языкознания. – Москва, 1959. № 6. – С. 37.

¹⁸ Никонов В.А. Введение в топонимику. – М.: ЛКИ, 2010. – С. 11.

¹⁹ Шералиева С. Гидронимия Хотлонской области: Дис. ... канд. филол. наук. – Душанбе, 2015. – С. 85.

²⁰ Конкошбаев Г.К. Казахские народные географические термины // Известия АН КазССР. Серия география. – Алма-ата, 1951. – вып. 3. – № 99.

²¹ Камалов А.А. Некоторые аспекты изучения башкирских народных географических терминов // Вопросы топонимики Башкирии. – Уфа, 1981. – С. 10.

индикаторлар деб аташни маъқуллайди²².

Қорақалпоқ тилшунослигида М.Қурбанов «гидронимик терминлар»²³ деб атайди. Одатда, табиатдаги географик объектларнинг барчаси географик терминлар билан аталади. Географик терминлар гидроним атамаларини яшашда ихчам, йиғиқ эканлигини эътиборга олиб, гидронимларни англлатувчи географик кўрсаткич бирликларни, яъни ариқ, арна, канал, қудуқ ва бошқа атамаларни апеллятивлар деб аташ мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

Гидронимларни ҳосил қилишда қорақалпоқ тилида ҳам бир қатор ўзига хос хусусиятга эга гидронимик апеллятивлар бор. Масалан, арна, булоқ, дарё, ариқ, жилға, салма, захқаш, ирмоқ, айдин, кўл, кўпир, шунгул, қудуқ, ҳовуз ва бошқалар. Тадқиқотда 50дан ортиқ гидроним апеллятивлар лингвистик таҳлил қилинди.

Арна апеллятиви. *Арна* – ҳажман дарёдан кичик, ариқдан катта, сувнинг ҳаракатланиш оқими бўйича оқадиган сув объекти. *Арна* гидроним апеллятиви ва *канал* сўзи тенг қўлланилади. Масалан: *Пахта арна* (Чимбой тумани), *Сўёнли арнасы* (Қонликўл тумани). *Арна* сўзининг этимологияси ва унинг қайси тилга мансуб эканлиги ҳозирча мунозарали. В.В.Бартольд *арна* сўзи қадимий хоразмийлар тилига мансублигини айтади²⁴. С.П.Толстовнинг фикрича, арна қадимий хет сўзи бўлиб, «булоқ» маъносини билдирган²⁵. А.П.Дульзон: «қадимий эрон тилларида *ar/ur* «сув» маъносини билдиради» деб кўрсатади²⁶.

Қорақалпоқ тилининг изоҳли луғатида *арна* сўзи «катта бўз ердан очилган ариқ, сув йўли» деб изоҳ берилади²⁷. Қорақалпоғистондаги *арна* апеллятиви билан қўлланадиган барча сув объектлари инсон қўл меҳнати ва техника ёрдамида қазилган, дарёдан ирмоқ олинган.

Айдын апеллятиви. *Айдын* сўзи «кўлнинг ўсимликсиз очик жойи, ўртаси» деган маънони англатади. Мўйноқ тумани ҳудудидаги айрим кўлларнинг номлари шу апеллятив ёрдамида ясалган: *Айдын көл* (Кегайли тумани, Бўзатов). *Айдын* сўзи икки маънода ишлатилади: «катта, учи кўринмайдиган чексиз кўл» ва «тоза, очик, зилол, тиниқ»²⁸.

Булақ апеллятиви. *Булақ* сўзи тилимизда *қайнар* атамаси билан ҳам маълум. У табиий ҳолда юзага келган сув объекти, тоғ ёки ер остидан чиқиб турган сув. Бизга маълум бўлишича, шимолий туманлар географик жойлашиши бўйича текислик, адирлик, ери тупроқли бўлганликдан, *булақ* апеллятивли гидронимлар сон жиҳатидан кам. Масалан: *Арзымбетбулақ* (Қонликўл тумани), *Эбдибулақ* (Тахтакўпир тумани), *Қырғынның булагы* (Тахтакўпир тумани),

²² Дўсимов З. Историко-лингвистический анализ топонимии Хорезма: Дис. ... докт. филол. наук. – Ташкент, 1986. – С. 36; Корав С. Топонимия Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1991. – С. 16; Эназаров Т. Ўзбекистон топонимлари: луғавий асослари ва этимологик тадқиқи йўллари: Филол. фан. докт. ... дис. – Тошкент, 2006. – Б. 44.

²³ Қурбанов М. Қорақалпоқ тилидаги географик терминларнинг лексик-грамматик хусусиятлари: Филол. фан. ном. ... дис. – Нукус, 2011. – Б. 17.

²⁴ Бартольд В.В. Сочинения.– М., 1963. – Т. II. – Ч. 1. – С. 122.

²⁵ Толстов С.П. По следам древне хорезмийской цивилизации. – М.-Л., 1948. – С. 81.

²⁶ Дульзон А.П. Древние топонимы Южной Сибири индоевропейского происхождения // Топонимика Востока. – М., 1964. – С. 344.

²⁷ Қарақалпақ тилининг түсіндірме сөзлігі.– Нөкіс: Қарақалпақстан, 1982. – Т. I. – Б. 100.

²⁸ Қарақалпақ тилининг түсіндірме сөзлігі. – Нөкіс: Қарақалпақстан, 1982. – Т. I. – Б. 42.

Ырзаийшанбулақ (Қонликўл тумани), *Ыссыбулақ* (Чимбой тумани).

Дарья апеллятиви. *Дарё* – ҳажман канал, ариқ ва ҳоказо сув объектларидан катта, оқувчи сув объекти. Масалан: *Еркиндарья каналы* (Кегайли тумани), *Ақдарья жабы* (Мўйноқ тумани).

Озарбайжон топонимларини тадқиқ қилган Г.А.Гейбуллаев *дарё* сўзи эрон тилига мансуб деса²⁹, Н.Бегалиев форс тилида *дарё*, яъни *денгиз* сўзи билан боғлиқ³⁰ эканлигини кўрсатади. Амударё қадим даврлардан ўз ирмоқларига эга бўлиб, у *Орындарья*, *Жаңадарья*, *Көкдарья* (Мўйноқ, Кўнғирот туманлари ҳудудидан оқиб ўтган), *Өлидарья* (Қонликўл, Хўжайли, Кўнғирот туманлари ҳудудидан оқиб ўтган) деган ном билан машҳур бўлган. Халқ тилида ҳозирда ҳам канал ва арналар вазифаларини бажарувчи сув объектларини *дарё* апеллятиви билан бирга номланиши учрайди.

Жап апеллятиви. Жап ўз ирмоғини ариқ ва магистрал каналлардан олади. Унинг ҳажми ариқча, жўяқдан катта, аммо канал ва ариқдан кичик бўлади. Ариқлар кенг ҳажмли экин майдонларига сув чиқариш мақсадида ҳозирги вақтда техника билан, аммо қадимда қўл меҳнати билан қазилган. Жап апеллятиви Қорақалпоғистондаги гидронимлар ва микротопонимлар таркибида анча миқдорда учрайди. Масалан: *Айтекежап* (Чимбой тумани), *Аллаханжап* (Чимбой тумани), *Айланбажап* (Чимбой тумани).

Э.М.Мурзаев *ён* сўзининг келиб чиқиши *об* – сув сўзи билан боғлиқ эканлигини кўрсатади³¹. З.Дўсимов *жап* (*йап*) терминини кичик гидронимик объектларни кўрсатувчи апеллятивлар қаторига киритади ва Хоразм топонимиясида бу апеллятивлар фаол қўлланишини айтиб ўтади³². *Жап* сўзи туркий тилида, шу жумладан, қорақалпоқ тилидаги «ж»ловчи (жоканье) ҳодисаси натижасида *об* сўзининг *ж+об+* – *ж+аб* шаклида ўзгариши орқали шаклланган.

Кўл апеллятиви. Бу апеллятивнинг кўл суви ҳажмига, кўплигига, оз ёки камлигига қараб *көлше*, *көлмек* вариантлари ҳам мавжуд. Қорақалпоғистоннинг шимолий туманларида *кўл* атамаси билан боғлиқ гидронимлар кўп. *Кўл* апеллятиви қўлланилиши жиҳатдан *жап* апеллятивидан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Биз тўплаган материалларимизда *кўл* апеллятиви билан боғлиқ 100 дан ортиқ гидронимлар учрайди, шунингдек, апеллятив микротопонимларнинг бир элементи сифатида жуда фаол қўлланилади. Масалан: *Даўыткөл* (Кегайли тумани).

Кўл апеллятиви билан қўлланиладиган атамалар деярли Қорақалпоғистоннинг барча ҳудудларида учрайди. Бу – табиий сув объекти. Масалан: *Қаракөл* (Кўнғирот тумани), *Ақтикенли көл* (Кўнғирот тумани), *Көкшийелкөл* (Кегайли тумани), *Бирқазанкөл* (Кегайли тумани), *Шөмишкөл* (Қораўзак тумани), *Арпакөл* (Кегайли тумани), *Ақтубакөл* (Кегайли тумани) ва ҳоказо.

Бу гидронимик апеллятив умумий олтой тиллари учун муштарак, келиб чиқишига кўра эса энг қадимий бўлиб, бир қанча туркий тилларда турли

²⁹ Гейбуллаев Г.А. Топонимия Азербайджана. – Баку: ЭЛМ, 1986. – С. 88.

³⁰ Бегалиев Н. Самарқанд вилояти гидронимлари: Филол. фан. ном. ... дис. – Самарқанд, 1994. – Б. 76.

³¹ Мурзаев Э.М. Очерки топонимики. – М., 1974. – С. 200.

³² Дўсимов З. Хорезм топонимлари. – Тошкент: Фан, 1985. – Б.70.

фонетик вариантларда ишлатилади.

Кўл сўзи туркий тиллардан қорачай-болқор тилида ҳам учрайди, у «кўол» шаклида келади ва бир нечта маънони англатади: 1. Одам аъзоси: кўл; 2. Текислик, очиклик, очик дала³³.

Ўзбек тилшунослигида эса В.Вафоев кўл сўзи ҳақида эълон қилган мақоласида: «кўл» сўзи VII-VIII асрларда «дарё» маъносида, X-XI асрларга келиб, фақат оқмайдиган сув объекти билан боғлиқ қўлланилган³⁴, – деб таъкидлаб кўрсатади. Кўпгина гидроним терминлар, юқорида таъкидлаганимиздек, *булақ*, *көл* ва бошқа сўзлар орқали ясалиб, келиб чиқишига кўра умумтуркий тил хусусиятига эга бўлади, *жарма*, *жармыс*, *қолтық*, *туба* каби атамалар эса – ўз қатлам сўзларга оид. С.Қораев: «Кўл – чурукликдаги чуқурликларни тўлдириб турувчи сув ҳовузи», – дейди³⁵.

Жармыс/жарған/жарма апеллятивлари – бу катта арик, канални англатади. *Жармыс* апеллятиви билан қўлланиладиган гидронимлар халқимиз тарихида узоқ даврлардан буён мавжуд, «жар», «жарыў» феъли асосида ясалган. Сабаби, бу сув объектлари техника йўқ пайтларда одамларнинг кўл кучи, жамлашиб, ҳашар йўли билан қазилган. Масалан: *Қыятжарған* (Қонликўл тумани), *Абатжармыс* (Кегайли тумани), *Болысжарған жап* (Кўнғирот тумани), *Мыңжарған* (Кўнғирот тумани) ва бошқалар.

Қақ апеллятиви – бу табиий сув объекти. Қор, ёмғир сувларидан тақир, қаттиқ чуқур ерга йиғилган сув бўлиб, ундан кўпроқ дашт ҳайвонлари, чорва моллари фойдаланади. *Қақ* ирригация термини «ветланд» деб ҳам аталади. Маҳмуд Кошғарий қақни – «чуқурлик, чуқур жой»³⁶ деб изоҳлайди. *Қақ* апеллятивли гидронимлар Қорақалпоғистоннинг шимолий туманларидан Тахтақўпир, Кўнғирот, Мўйноқ, Қораўзак туманлари, Нукус шахрининг жанубий томонида учрайди. *Жаңашолақ қақ* (Тахтақўпир тумани), *Көктөбе қақ* (Тахтақўпир тумани), *Көсик қақ* (Тахтақўпир тумани), *Тайкеткен қақ* (Тахтақўпир тумани).

Диссертациянинг **«Қорақалпоғистоннинг шимолий туманлари гидронимларининг лексик-семантик таҳлили»** деб номланган иккинчи бобида этноним, антропоним, зооним, фитонимлардан ҳосил бўлган гидронимлар таҳлил қилинади, объектнинг табиий-географик белгилари асосида пайдо бўлган гидронимлар гуруҳларга бўлиб ўрганилади.

Биринчи бобнинг биринчи бўлимида **этногидронимлар** ҳақида гап боради. Қорақалпоғистоннинг шимолий туманлари гидронимлари маълум уруғ ёки қавм атамалари билан аталишининг бир нечта сабаблари бор. Биринчидан, этногидронимлар ушбу сув объекти атрофида яшаган ёки яшаётган халқларни билдиради. Иккинчидан, сув объектининг пайдо бўлишида шу қавм ёки уруғ вакиллариининг иштироки, учинчидан, сув объектида бошқа миллатларнинг иштирок этишини билдиради.

³³ Ходжаев Х. Очерки карачаева-балкарской лексикологии. – Черкесск, 1970. – С. 32.

³⁴ Вафоев В. «Кўл» сўзининг маънолари ва тарихи // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1992. – № 2. – Б. 18.

³⁵ Qoraev S. Toponimika. – Tashkent: O'zbekiston faylasuflar milliy jamiyati, 2006. – Б. 196.

³⁶ Маҳмуд Кошғарий. Девону луғатит турк. – Тошкент: Фан, 1960. – Т. I. – Б. 180.

Қорақалпоғистон этногидронимлари таркибида қорақалпоқ уруғлари номлари билан боғлиқ гидронимлар кўпчиликини ташкил этади. Мазкур илмий ишда қорақалпоқ уруғлари номларидан ҳосил қилинган 38 та гидроним алоҳида кўрсатилди. Ҳудудда қорақалпоқ халқининг этник таркибига кирмайдиган этногидронимлар ҳам учрайди. «Қазақдэрья» Амударёдан ирмоқ оладиган канал номи бўлиб, Кегайли, Чимбой, Мўйноқ туманлари ҳудудида жойлашган. Бу қорақалпоқлар тарихидан маълумки, машҳур дарёлардан бири. Унинг суви мўл, шунингдек балиқ ва қушларга бой бўлган. Шунинг учун ҳам қорақалпоқлар бу дарё бўйларида истиқомат қилишган. Нима учун Қазақдэрья деб аталиши номаълум. Бизнингча, бу дарё бўйларида қозоқлар яшаб, шу сабабли «Қазақдэрья» деб номланган бўлиши ҳам мумкин.

Туркбөгет атамаси (Тахтакўпир тумани) бошқа миллат вакилларининг иштироки билан боғлиқ бўлса, *Арабжап канали* (Қўнғирот тумани) жойлашган ерда хожа этник гуруҳига мансуб кишиларнинг иштироки, аҳоли уларни ислом динини тарғиб этувчилар деган тушунча билан боғлайдилар.

Қорақалпоғистоннинг шимолий туманлари антропогидронимлари таркибида архаик, шунингдек, неологизм антропогидронимлар ҳам учрайди. **Антропогидронимлар** деб номланувчи иккинчи бобнинг иккинчи бўлимида бутун халқнинг босиб ўтган йўли, уларнинг сиёсий турмушидан дарак берувчи маълумотларни топиш мумкин. В.А.Никонов: «Кишиларнинг машҳур инсонларнинг номларининг географик атамаларга айланиши бу – ономастикада кенг тарқалган лингвистик ҳодисалардан бири»³⁷ деб кўрсатади. Киши исмлари билан боғлиқ антропогидронимлар: *Даўыткөл* (Кегайли тумани), *Бекниязөзек* (Кегайли тумани), *Айдос каналы* (Тахтакўпир тумани), *Бэкиржарған* (Кегайли тумани), *Бийбишжап* (Қўнғирот тумани), *Амангул каналы* (Чимбой тумани) ва ҳакоза. Шунингдек, лақаблардан ҳосил бўлган гидронимлар: *Қанияз шэррик жап* (Кегайли тумани), кишиларнинг фамилияларидан ташкил топган гидронимлар: *А.Досназаров каналы* (Қораўзак тумани), *С.Мэжитовтың қудығы* (Қўнғирот тумани), *М.Арғынбаев каналы* (Хўжайли тумани) ва ҳакоза.

Зоогидронимлар деб номланувчи ушбу бобнинг учинчи бўлимида мазкур гидронимларда ҳайвонларнинг муқаддас ҳисобланиши ва сув объектининг номланган ҳайвонлар билан боғлиқ эканлиги назарда тутилади. Зоонимлардан ясалган гидронимлар бир нечта гуруҳларга бўлиб таҳлил қилинди. Масалан, *Шортанбай каналы* (Нукус тумани), *Ылақалы жап каналы* (Шуманой тумани), *Сүенли каналы* (Хўжайли тумани), *Сазанжап* (Қўнғирот тумани) каби сув объект атамалари аталган балиқ турларининг кўплиги билан боғлиқ пайдо бўлган. Бу атамалар орқали халқнинг тайёр ҳолат, кўриниш билан боғлиқ сув объектларига моҳирлик билан ном берганлигининг гувоҳи бўламиз.

Мазкур бобнинг тўртинчи бўлими «**Фитогидронимлар**» деб номланиб, улар бир қанча гуруҳларга ажратиб ўрганилди. *Кегейли арнасы* (Кегайли, Чимбой туманлари) атамасининг пайдо бўлиши сув объектининг атрофида табиий турда кўп ўсиб турган «кегей» дарахти номи билан номланса, *Тарлы жап/Тар(ы)лы жап* (Кегайли тумани), *Бийдай көл* (Шуманой тумани),

³⁷ Никонов В.А. Введение в топонимику. – М.: Наука, 1965. – С. 30.

Жонышқа жасп (Қораўзак тумани) ва бошқа гидроним номлари аҳолининг сув объекти атрофида озуқа, нон маҳсулотлари учун донли ўсимликларни етиштириши билан боғлиқ аталган.

Ушбу бобнинг «**Объектнинг табиий-географик белгилари асосида пайдо бўлган гидронимлар**» деб номланган бешинчи бўлимида сув объектининг геоморфологик хусусиятларига эътибор қаратилди.

Қорақалпоғистоннинг шимолий туманлари гидронимлари геоморфологик жихатдан 6 та гуруҳга ажратиб ўрганилди. Гидронимлар таркибида оқ, қора, кўк каби ранг билдирувчи сўзлар қатнашади: *Ақжағыс* (Тахтақўпир тумани), *Ақшунгил көли* (Қўнғирот тумани), *Ақдәрья* (Мўйноқ тумани), *Қараайдын* (Кегайли тумани), *Қаратерең* (Тахтақўпир тумани), *Көкөзек* (Мўйноқ тумани), *Қараөзек* (Кегайли тумани) ва бошқалар. Н.Охунов ранг билдирувчи оқ сўзи билан қўлланувчи гидронимларни: «доим оқиб турувчи, тоғдан, музликлардан келадиган қор сувлари билан тўйинган, ўз табиий йўлидан оқадиган, ёзда қуриб қолмайдиган, ранги оқ тусда бўлган ичишга яроқли сув»³⁸ деса, З.Дўсимов ва Х.Эгамов «Туркий халқлар баланд тоғлардан оқиб келадиган дарёларни оқ сув, оқ дарё»³⁹ деб аташган, татар тилида Ф.Г.Гарипова: «оқ сув – шу сувнинг рангини билдиради, қора сув – ранг маъносини билдирмайди, ер ости сувларидан тўйинадиган «ер сув», яъни ер суви маъносини англатади»⁴⁰ деб кўрсатади.

Сариқ ранг олтин рангини англатади ва шу маънода қўлланилади: *Алтынкөл көли* (Қонликўл тумани), *Алтынкөл каналы* (Қўнғирот тумани). Бу кўлдан чиққан зоғора балиқлари ранги сариқ тусда, олтин рангда бўлиши, иккинчидан, кўлда балиқнинг мўл бўлиши, кўл ёқасидаги ерларнинг ҳосилдорлиги, тўқайларнинг ов, қушга бой бўлиши, табиатнинг сахийлиги билан боғлиқ ҳолда «Алтынкөл» деб номланган.

Сувнинг таъми билан боғлиқ атамалар: *Аишыкөл* (Нукус шахри), *Сорша кудық* (Қўнғирот тумани). Шунингдек, сувнинг ҳиди, ҳарорати, тозаллиги билан боғлиқ гидронимлар ҳам учрайди. Масалан: *Сасық өзек* (Тахтақўпир тумани), *Ыссы булақ* (Чимбой тумани). *Судочье көли* (Мўйноқ тумани) информаторларнинг кўрсатишича, рус балиқчилари томонидан қорақалпоқча «суўы душшы көл» бирикмаси «суўы доше», яъни «судочье» деб аталган бўлиши ёки кўлда судак (сыла) балиғининг сероблиги билан боғлиқ деган фикрни илгари суришади. Сув оқимининг кўриниши, ҳолати билан боғлиқ *Қаттыағар каналы* (Нукус тумани), *Тентекжасп* (Кегайли тумани) атамалари – сувнинг қаттиқ, кучли оқимини англатса, *Жансыз көл* (Қўнғирот тумани) атамаси сувнинг шовқинсиз, жонсиз, овозсиз оқишини билдиради. Объектнинг микдори, сони билан боғлиқ гидронимлар икки йўл билан ифодаланади: сон сўз туркуми орқали: *Бесжасп каналы* (Қораўзак тумани), *Төртжасп* (Чимбой тумани); нумератив сўзлар орқали: *Тақжасп каналы* (Чимбой тумани), *Қоскөл* (Нукус шахри). Кўриниши, ташқи шаклига кўра ифодаланадиган 33 гидроним лингвистик таҳлил қилинди. *Тик*, *ор* сўзлари орқали ифодаланган гидронимлар сув объектининг жойлашиш ўрнини англатади. Аслида, *у Ор ариқ* эмас, *у Ор*

³⁸ Охунов Н. Топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1989. – Б. 60.

³⁹ Дўсимов З, Эгамов Х. Жер атамаларының қысқаша түсиндирме сөзлиги. – Нөкис: Билим, 1991. – Б. 21.

⁴⁰ Гарипова Ф.Г. Исследования по гидронимии. – М.: Наука, 1991. – Б. 60.

арик бўлиши керак. Чунки *өр сўзи* баланд деган маънони билдиради.

Араншакөл гидронимидаги аран – сув объекти, гидроним апеллятиви, бундан «кичик аранга ўхшаш кўл» деган маъно англатилади. Тупроқнинг таркибига, рельеф тузилиши билан боғлиқ номланган гидронимлар, кўпинча, шукыр, шўнгил, кум, саз, бел, дөң, жер ва бошқа географик терминлар иштирокида юзага келади: *Байшагыр қудық* (Қўнғирот тумани), *Тақыркөл* (Кегайли тумани). Мўйноқ туманидаги *Шагырлы* топоними майда тошли, кумли маъноларига эга.

Объектни белгилаб кўрсатадиган буюм, нарса ва ҳодисалар билан боғлиқ бир қанча гидронимлар учрайди. Масалан, *Қойбақ каналы* (Қораўзак тумани) атамаси канал атрофида кўй боқиладиган яйловнинг жойлашиши билан боғлиқ пайдо бўлган бўлса, *Шегара коллектор* атамаси (Шуманой тумани) Туркманистон Республикаси билан Қорақалпоғистоннинг Шуманой тумани чегарасидаги коллектор эканлигини билдиради. *Илменкөл* (Мўйноқ тумани) кўлининг номланишида объект назарда тутилган. Илмен сўзининг маъноси бугунги кунда аниқланмаган. Бу ҳақда олимлар: «Илмен – географик термин бўлиб, «ўрмон»⁴¹ деган маънони билдириб, *Илменкөл* «ўрмондаги кўл»⁴² деганидир. Сўз географик номига мос келади, чунки кўл ўрмон орасида жойлашган.

«**Топогидронимлар**» деб номланган иккинчи бобнинг олтинчи бўлимида сув объектларининг маълум ер номи орқали аталиши назарда тутилган⁴³.

Қорақалпоғистоннинг шимолий туманлари топогидронимларининг ясалишида қуйидаги тузилиш типларини учратамиз:

1. Топоним+қудық: *Белеўли қудық* (Қўнғирот тумани). 2. Топоним+жап: *Қоңыратжап* (Қўнғирот тумани), *Гәўиржап* (Хўжайли тумани). 3. Топоним+көл: *Дәўкемпир көли* (Мўйноқ тумани), *Аспантай көл* (Мўйноқ тумани). 4. Топоним+канал: *Хатеп каналы* (Хўжайли тумани), *Мойнақ-Қоңырат каналы* (Мўйноқ тумани). 5. Топоним+коллектор: *Үстирт коллектор* (Қўнғирот тумани), *Қараөзек коллектор* (Қораўзак тумани). 6. Топоним+қақ: *Шымбай қақ* (Тахтакўпир тумани). Масалан, *Айбўйир көли* Қўнғирот, Шуманой туманлари бўйлаб чўзилган тоғ тизмаси, *Гәўиржап* (Хўжайли тумани), Гәўир (қалъа) эски қалъанинг қолдиғи, ҳозирги вақтда қолдиқлари сақланиб қолган Хўжайли туманидаги тарихий ёдгорлик. У ариқнинг ушбу тепа ёнидан оқиб ўтиши билан боғлиқ ҳолда топоним номи гидронимга кўчган.

